

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

ҚИЛИЧНИНГ ДАМИДЕК АРҚОН УСТИДА...



Миробид МИРСОДИҚОВ олган сурат

Баланд дор устида шамолдек елиб бораётган йигитни кузатишаркан томошабинлар дили яйрайди, ширин энтикишади.

Дорбознинг енгил ҳаракатлари, очиқ чехрасидаги ўз касбидан зухур булган мамнунлик, қийин ва мураккаб машқларни бажариши инсонларга олам-олам завқ-шавқ бахшида этади. Айниқса, болалар маза қилиб томоша қилишади.

— «Дорбознинг дорбози чигириқда sinalади», — дейди Одилжон полвон. Дарҳақиқат, Акмалжон Муйдинов чигириқда sinalган ўз касбининг фидойиси. Акмалжон жаҳонга машҳур Брус-ли ҳаётига жуда эрта қизикди. Унинг санъатиغا меҳр куйди. Кунт ва чидам

билан машқ қилди. Тинимсиз шугулланишлар ўз самарасини берди. Унинг орзуси Америка дивридаги Сизтл шаҳрига савҳат қилиш, Брус-ли ва ўғли Брундо қабрини зиёрат қилиш эди. Дили поклиги, юраги тозаллиги учунми, унинг бу зори Аллоҳга етиб борди чамаси, биродари Абдуҳаким Солиев билан бирга Америкага бориб ўзбек дорбозларидан биринчи бўлиб дор тикиш бахтига мяяссар будди. Брус-ли ва Брундолар қабрини зиёрат қилди.

Акмалжон дадаси-жамоа бошлиги, Ўзбекистон халқ паҳлавони Анваржон акани ўз устози деб билади. Бу сулола авлоддан-авлодга ўтиб, элу юртга машҳур полвонлар, дорбозларни етиштириб бермоқда. Акмал-

жоннинг шу даражага етишида дадаси Анваржон аканинг хизмати бекиёсдир. Чунки у ута талабчан ва интизомни яхши курувчи инсон. Ўғилларидан яна бири Музаффаржон ҳам дадаси ёнида ҳамisha хизматга шай бўлиб, «Лаббай, дадажон», деб қул қовуштириб туради. Акмалжон дорбозлик ва чигириқ устаси, лекин унинг яна бир касби бор. Масхарабозлик...

Узининг ичакузар хангомалари билан томошабинларнинг кунглини эгаллаган. Бир зум булсада, инсонларга кулгу, севинч улашмоқдан ўзини бахтиёр сезади. У яна моҳир акробатчи ҳамдир. Акробатиканинг энг қийин элементларини ҳам ҳеч қийналмай, моҳирлик ила бажара

олади. Олдига, орқага сальдо ташлаш, ҳавода бир неча бор унбалоқ ошиб уйин курсатиш, «шпагат» ҳолатини ерда ва дорда аниқ бажариш каби машқлар билан олқишга сазовор бўлмоқда.

«Дорбозлик—жонбозлик», — дейди доно халқимиз.

Азизлар! Келинлар, санъатимизни сақлаб қолиш ва уни сайқаллаб, равнақ топтириш учун саъйи-ҳаракат қилайлик! Имконимиз борица бу касб фидойиларига ёрдам берайлик! Ахир савоб иш қилмоқ, инсонлар учун фарз ҳамда қарз-ку!

Эркинжон ХАЁНБОЙ
Ўғли ФИДОЙИ

Шу куннинг нафаси

АЖДОДЛАР
РУҲИ МАНГУ

Юртбошимиз Ватан дахлсизлиги, миллат ва юрт келажаги йулида жон фидо қилганларнинг ёди учун 9 майни «Хотира ва Қадрлаш» куни деб эълон қилиш таклифини билдирдилар.

Дарҳақиқат, инсон хотирасиз яшай олмайди. Хотира инсонга ўзлигини, ўтмиши ва тарихини эслатиб туради. Хотирадан маҳрумлик инсонни қулга айлантириши, бугун миллатни инқирозга учратиши мумкин. Бунга тарихда мисоллар кўп. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришган дастлабки йилларда ноқавлатимиз ҳарқабари энг аввало халқимизни мустабид тузумнинг инсонийликка ёт бўлган манкуртлик каби унсурлардан ҳалос этиш учун ҳаракат бошлади. Хусусан халқ маънавий меросининг узвий ва ажралмас бир қисми бўлган инсонни Хотирлаш ва Қадрлаш каби унутилган қадриятларимиз бугун яна қайта тикланмоқда. Энг муҳими бу ҳаракатни кенг жамоатчилик қизғин қўллаб-қувватламоқда. Куйида ана шу ҳақда айрим мулоҳазалар билан танишасиз.

МАЙСА ҚУЁШГА
ТАЛПИНГАНИДЕК

Инсон қадр-қиммати ва шаъни юксак туйғу. Қорнимга эмас, балки қадримга ййғлайман, деган гап бежиз айтилмайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Президентимизнинг инсонни

Хотирлаш ва Қадрлаш ҳақидаги таклифи халқимизнинг дилидан кечган кўп йиллик орзуларини амалга ошишига йўл очди, десак хато қилмаймиз. Чунки шу пайтгача 9 май куни Галаба байрами сифатида нишонланиб келинган. Ушбу кун Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва унда ҳалок бўлганларни хотирлаш сифатида тарих саҳифаларига муҳрланиб ва онгу шууримизга ҳам шу йўсинда сингиб қолганди. Бундан буён унинг мазмун-моҳияти бутунлай бошқача, яъни миллатимизга хос ва миллий урф-одатларимизга мос бўлиши кўзда тутилмоқда.

Мен замонамнинг зиёли аёли ва бахтли она сифатида ушбу таклифга юз фоиз қўшиламан. Айниқса мамлакатимиз раҳбарининг ўтганларни хотирлаш билан бир қаторда тирикларни ҳам қадрлаш ва эъзозлаш ҳақидаги фикрларини қўллаб-қувватламоқ керак. Буни шунчаки таклиф эмас, балки умуминсоний қадриятларнинг юксак рамзи дейиш мумкин.

Майса қуёшга талпинганидек инсон меҳрга ташна бўлиб яшайди. Шунинг учун ўткнчи дунёда одамлар бир-бирини асраб-авайлашса, яхши бўлади. Шунда турли хил асаббузарликлар ҳам келиб чиқмайди, умримизга умр қўшилади. Колаверса, инсонни Хотирлаш ва Қадрлаш маънавият билан боглиқ масала бўлиб, бу энг катта савоб иш. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак.

Назира ШАЙХОВА,
Тошкент шаҳридаги Чинобод
санаторияси бош шифокори-
нинг ўринбосари

ХОТИРА — ФИКРЛАШГА
УНДАЙДИ

Хотира — ҳар бир миллат кишининг кеча ва бугуни ҳақида ўйлашга, тафаккур юритишга ундайди. Шу билан бирга у миллатнинг руҳини ифодалайди.

Бизнинг маҳалламизда кўп миллатли халқ вакиллари яшайди. Улар орасида уруш қатнашчилари, боқувчисини йўқотган кекса оналар, ёрдамга муҳтож оталар бор. Биз улар ҳолидан доимо хабар олиб туришларни учун маҳалладаги фаол аёлларни бириктириб қўйганмиз. Бу ишни доимий назорат қилиб борамиз.

...«Қариси бор уйнинг, париси бор», — дейди доно халқимиз. Кекса ота-оналаримиз соғу саломат юрсалар, тўй-маракаларимизда уйларимиз турида дуо қилиб ўтирсалар, шунинг ўзи биз учун катта давлат.

Зеро, бугун биз кексаларга меҳр кўрсатсак, ўша арзимас хизматимиз эртага бизга юз

карра ортиги билан қайтади.

Муҳаббат АҲАДОВА,
Тошкент шаҳар
Бектемир тумани, «Абай» ма-
ҳалласи хотин-қизлар кенгаши
раиси

Фашизмга қарши уруш қатнашчилари бармоқ билан санарли даражада қолди. Қолганлари ҳам ганимат.

Бугунги кунда одил юртбошимиз И.А. Каримовнинг яна бир маъқул иши 9-майни «Хотира ва Қадрлаш» куни, деб эълон қилиш туғрисидаги таклифи бўлди. Биз бир гуруҳ қуролдош дўстлар Президентнинг таклифини юксак баҳоладик. Чунки, қадрласанг, қадр топасан. Ватан ҳимояси учун жонини гаровга тиккан юртдошларга бўлган бундай муносабатни қурган ёш авлод юртга муносиб посдон бўлиб етишади. Озод ва обод юртимизга куз тегмасин. Ҳеч қачон уруш бўлмасин.

Ёкубжон ХАЛИЛОВ,
Уруш фахрийси
Чортоқ

КУЧИ КЕТМАС СЎЗ

9 феврал — газал мулкининг султони
Алишер Навоий таваллуд топган кун!

Маънили гап-сўзлар яхши фикрлайдиган одамлар тарафидан ҳамма даврларда ҳам айтилган. Лекин бундай гапларнинг баъзилари фақат ўша айрилган соатининг кунига яраган, холос. Айричлари эса маълум сиеват ёки тузумгагина хизмат қилган. Бироқ бундай билиб айрилган ҳикматлар орасида шундайлари ҳам борки, улар замон танламайди. Кеча одамлар эшитиб: «Воҳ, кунгимдагини сўзлабди» — деган бўлса, бугун ҳам тингланганлар шу гапни такрорлайди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг мулкидаги барча сўзлар ана шундай кексармайдиган, кучи кетмайдиган сўзлардир. Биргина қитъаларига эътибор қилайлик:

Фалон котиб ар хатни
мундоқ ёзар,
Бу мансабдин ани
қўпармоқ керак.

Юзин номасидек қора
айлабон,
Қаламдек бошин даги
ёрмоқ керак.

Қорадин қорага берибон улоқ.
Қаламравдин ани чиқармоқ
керак.

Алишер Навоий бу қитъада тўри хатни эгри қилиб кўчиргувчиларнинг юзини қора қилиб, бошини қаламдай ёрмоқ керак. Бу жазонинг устига юзи қаро бу кимсани яна қаро уловга миндириб, яшайдиган жойидан ҳайдамоқ керак деган ҳукми айтилади. Адолатли қонунларни эгри йўлга буриб, ўз манфаатлари йулида хизмат қилдираётган баъзи қозилар учун нақадар адолатли ҳукм бу. Ёки мана бу қитъани олиб қарайлик:

Кимки маҳлуқ хизматига
камар —
Чуст этар, яхшироқ
ушалса бели.

Қўл қовуштургуча бу авлодур,
Ки анинг чиқса эгни,
синса эли.

Чун хушомад демакни
бошласа кош
Ким, тутулса дами,
кесилса тили.

Ҳарат маҳлуқсифат касларга ялтоқланиб, кун қурадиган хушомадгуларни ҳам тилсизликка, белсизликка, қулсизликка буюради. Бу ҳукм ҳам ҳеч қачон ўз кучини йўқотган эмас.

Алишер Навоийнинг барча асарларини ана шундай таҳлилий ургани бошласакки унинг қудратини ҳис этамиз. Сир эмас, бизнинг аксарият мактабларимизда Алишер Навоийнинг мероси ута умумий тарзда урганилади. Ёзганлари саналади. Шопур Фарходнинг дўсти эди, каби ўқувчи қалбига таъсири камроқ дарак гаплар айтилади. Бундан чуқурроққа тушиш учун баъзи муаллимлар тушунарсиз сўзларнинг қуплигини баҳона қилади. Холбуки, шоир асарлари фақат бадий асарлар эмас, инсоннинг узини ва узгаларни англашга хизмат қиладиган ҳаёт фалсафаси эканини билсалар эди, устозлар ўша қийин қуринган сўзлар шарҳини, албатта, ахтариб топар эдилар.

Озодлик шарофати билан биз ҳамма улугларимиз қалбига яқинроқ бормоқдамиз. Шунинг учун бугун Навоий дарслари ҳам, анъанавий навоийхонлиқлар ҳам умр бўйи адолатга хизмат қилган бу беназир мутафаккирни тула урганишга айланади, деган ишонч уйғонмоқда.

Қ.РАҲИМБОВА

ЮКСАК
МАЪНАВИЯТ
БЕЛГИСИ

Тарихдан бизга маълумки, гуллаб яшнаган давлатлар ёки даврларда аёллар юксак қадрланган. Саодат асрида Ислому дини ҳам аёлга эҳтиром кўрсатган эди. Жаҳолат даврининг ваҳиёна удуми — қизларни тириклайин кўмиб ташлашга барҳам берган эди. Ойиша онамиз (р.а)ни ҳам парвардигорнинг ўзи руҳият мақомига кўтарган эди. Ойиша (р.а)га Аллоҳ ва Жаброил(а.с) салом айтган эди. Демак, аёл илоҳий муждаларга ноил бўлган зотдир.

Бугунги кун аёли ҳам узига билдирилган эҳтиром ва ишончни тарадор ҳис қилса, замонага муносиброқ бўлар эди. У эҳтимол бола тарбияси билан машғулдир, бир кун келиб фарзанди элга нафи тегадиган комил инсон бўлиб етишса, бу онанинг келажаги олдидаги қарзини бажарганининг исботи бўлади. Мен бугунги аёлларни оила қобилига урлашиб қолишларини хоҳламасдим. Чунки жамиятда уларнинг ҳам алоҳида ўз уринлари бор. Бу жойини уларнинг узларидан бошқа ҳеч ким тўдирилмайди.

Алаҳуссус, йилимиз — асримизнинг энг гузал йили. Бу йилда илоҳа, Алпомишлар, Темурулар, Улуғбеклар тугилиб, янги, келажаги буюк давлатимиз довруғини оламга ёйсин!

Д. ТУРҒУНОВА
ёзиб олди

— Асримизнинг сўнгги йилини «Аёллар йили» деб эълон қилинганини дастлаб эшитганингизда хаёлингиздан қандай ўйлар кечди?

Гулзэбо ИБРОҲИМОВА,
ТошДУ аспиранти:

— Яқинда мен беш йил йиққан-бир даста мактубни қўлимга олдим-у, қайсидир бир мутафаккирининг «Етукликни мен онадан топдим», деган икромига амин бўлдим. Чунки талабалик йилларимда менга энг кўп хат ёзиб, ўқишга, илм олишга ундаган зот-онам эди. Шунда 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилинишини, Президентимизнинг оналаримизга бўлган юксак эҳтиромини юксак маънавият белгиси деиб баҳоладим. Зеро, аёл бу она, у ҳар қанча эъзозга лойиқ зотдир.

Ўзбек аёллари қадим замонлардан ўзбек деган номни оқлаб келган. У Тумарисдай мард, Бибихонимдай оқила, Хонзода бегимдай бетакрор гузаллик соҳибаси бўлган.

«Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилиқ жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба-аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва бе-

қиёс макон-бу маҳалладир...

... Демокриманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, қўни-қўшниларнинг яхши ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳалламизда тонг саҳардан

кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъий назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир...»

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Туркистон» газетаси муҳбири саволига жавобларидан.

Хайит номозидан қайтган чоллари, келбатли ўғлонлари билан омонлик эсонлик дея қўйиб, хайит чойини қаймоқлашиб ичиб бўлган аёллар бирдан отланиб қолишди. Зиёрат Муборак аяни йўқлашдан бошланди.

— Кундузхонни кўрмаганимга бир хафтадан ошди, — дейди Муборак ая. — Буни қарангки, ҳатто тушларимга кириб чиқибдилар. Сизлар баҳона мен ҳам бир куришиб чиқай, — дея аёлларга қўшилиб оладилар.

Маҳалламизда Туйчи хофизнинг қизи Кундузхон аяни ҳамма танийди. Кундузхон ая зукко аёл. Билмагани кам, билгани кўп. Бундан чорак аср муқаддам араб алифбосини ўзи мустақил ўрганиб, бирдан Қуръони Каримни ўқишга тушиб кетганларини ўзин-қўлига эшитганми. Бир умр меҳнат қилган аёл.

Биз маҳалла аёллари бу доно аянинг хузурларида кўп бўлиб турамиз. Ота-оналари, санъаткорлар ҳаётига доир кизиқ-қизиқ воқеалардан ҳикоя қилиб берадилар. Биз кулиб-кулиб дам оламиз.

— Энди Парихохоннинг кўнглини сурасак, — дейди Мукамбархон аёлларга қараб. — Ўзларингизга маълум, яқинда отаси оламдан ўтди. Кекса онаси бор. Улуғ айём билан

бир кўтлаб чиқайлик...

Кечагина умра сафаридан қайтиб келган Мафратхонни зиёрат қилиб чиққан бор, чиқмаган ҳам бор. Ҳамма бир овоз билан Мафратхонникига кирдик. Узлари хайитлаб кетибдилар. Ойим

кунларида эшигимдан биринчи бўлиб сизлар кириб келдингиз, шукр, борлигингизга шукр, — дейди ая ва узини бардам тутиб ўрнидан турлади, ясагўлиқ дас-турхонга таклиф этди.

— Амакингиз бошчилиги-

нинг болалари онамни кўргани келишувди. Бувимни бизлар олиб кетақолайлик дейишувди, рози бўла қолдим. — Рози бўлмай мен ўлай, — дейди хунграб йиғларкан ая. Онамининг бизни кидан кетилари йўқ экан.

Бунда Тошкент шаҳридаги Абдулхай Тоҳиев, Хондамир кўчаларида истиқомат қилаётган аёлларнинг меҳр-оқибати ҳақида гап бораётди. Улуғ айём кунларида мамлакатимиздаги қанчалаб маҳаллалар, кўп қаватли уйларида, қишлоқ гўшаларида меҳрибонлик, одамгарчилик туйғуларини янгради. Бундан соғинган кўнглилар баҳра олди. Ногиронлар, ғариблар, кексаларнинг қалблари тоғдай кўтарилди.

Маҳалламиздаги кексалик гаштини сураётган аяжонларимиздан Роҳатой, Муаззам, Мушарраф опоқилар Муққаддасхонни йўқлаб кирамиз. Уларни оқ ювиб, оқ тараб утирган келинларига, бирор нарсага зориктирмай кўнглини ҳам, дуосини ҳам олаётган ўғил-қизларига ҳавасимиз келади. Ҳар кимнинг ҳам фарзанди шуларга ухшасин, дея ниёт қиламиз.

Бировнинг кўнглини олсанг, аввало ўзининг кўнглини яйрайди. Кўнглини олувчилар, сени ҳам эслагувчилар қўлаяди. Одамларни дийдор онларига чорлайдиган ҳайит кўнларининг садағиси кетай. Ҳар кўннинг бўлсин ҳайит, деб бекорга айтмаган халқимиз.

Дилбар МАҲМУДОВА

Маҳалла — ўз уйимиз

ДИЙДОР ҒАНИМАТ...

лар бўлмасалар мана биз бормиз, дея қизлари, келинлари илиқ-иссиқ кутиб олишади.

Хожар аяниқига кетаямизку, аяни анчадан бўён кўрмаганим ҳақида ўйлайман. Қачон кўрмайини ўйжойи, болалари, невараларининг ширин ташвишида буларди. Келиним қилсин, дея қараб ўтирмас, кўчаларга сув селиб, супураб, ҳовли саҳни чинни-чироқ, табиати нозик аёл... Не куз билан кўрайликки, ая бемор ётибдилар. Қуриб, хафа бўлиб кетдик.

— Қадамларингизга ҳасанот, — дейди Хожар хола ўрнидан кўзголиб. Ховли олма, қўшни ол, деганлари шудир-да. Шундоқ улуг айём

да келину невараларни ойимларни кўргани жўнатдим, — дейди Хожар ая ва хунграб йиғлаб юборадилар. — Хайитни доимо онамлар билан бирга кутардик, — дейди ая гапида давом этаркан узини аранг тутиб. — Бу йил ҳатто онамларни йўқлаб бориш ҳам насиб этмади. Юролмай қолдим... дармоним йўқ, кўзим хира...

Бир кам юз ёшга киришининг ўзи буладими?! Одам кексайгандан кейин ёш бола бўлиб қоларкан. Она-бола кўнни кеч қилиб, тонг орттириб, бинойидек утирган эдик... Кейинги пайтларда негадир чарчаб қолдим, онамни эплайолмадим. Келиним ишлайди. Синглим-

Эшиқдан чиқаётди, «Хожарой болам, олдингдан кетгим йўқ» десалар буладими?! — Хожар ая йиғлайди. Уларга қўшилиб биз ҳам йиғлаб юбордик...

— Узимга келиб олай, кўзимнинг хираси кетсин, онажонимни уйимга олиб келаман, ўзим қарайман, — дейди Хожар ая ўз сўзидан ўзи таскин топиб...

Юртимизга тинчлик, хотиржамлик тилаб ҳамма уйига тарқалади...

Бу орада кимнингдир узоқдан қариндоши, кимни-ки уғил-қизи, дўсту биродари хайитлик қилиб келгани ҳақидаги хабар етиб келди.

Ҳамма гап шундаки, бунгача маҳалламиз аёллари савоб ишни қилиб улгуриш-

АДОЛАТ МЕЗОНИ БУЗИЛМАСИН

Аёл бугун ўз ҳақ-ҳуқуқини биладими? Керак бўлганда узини ҳимоя қила оладими?

Чилонзор тумани ҳокимиятида «Аёл, оила ва ҳуқуқ» мавзусида семинар кенгаш бўлиб ўтди. Семинарда Тошкент шаҳар ҳокими уринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова маъруза қилди.

Шунингдек, «Аёл ва жамият» институти директори Н. Муравьева, туман ҳокими уринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М. Содиқовлар ҳам сўзга чиқиб қонун ва қарорлар ижросини турмушга кенгроқ тадбиқ этиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Семинар қизгин мунозаралар асосида ўтди.

Н. РАҲМОНОВА

ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Республика Байналмилал маданият марказида «Ўзбекистон аёлларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш давлатимиз миллий сиёсатининг устувор йўналишидир» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси уринбосари Д. Қобулова асосий мавзу бўйича маъруза қилди. Шунингдек семинарда аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни ҳуқуқий ҳимоялаш масалаларига оид маърузалар ҳам тингланди. Айниқса, Ўзбекистон судьялар Ассоциацияси раиси Абдул Тухташевнинг нутқи кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— Аёлларни ҳимоя қилиш ҳақида уларнинг узларидан кўра кўпроқ биз эркаклар ўйлашимиз керак. Агар аёлни аёллиги учун ҳурмат қилолсак, унинг жамиятда тутган ўрнини кўра билолсак, бу борада муаммолар бўлмасди, — деди нотик.

К. МИРЗО

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН. Нафси хаккалақ отган Куат Умирбоев пахта ёғи, гуруч, қурилган сут, кир совун сингари умумий баҳоси 600 минг сўмдан ортқ озиқ-овқат ва ҳужалик маҳсулотларини «КА-МАЗ-5320» русумли автоуловиди республикамиз ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб, мўмай даромад қилмоқчи бўлди. Лекин «Муйноқ» божхона маскани ходимлари К. Умирбоевнинг ноқонуний йўл билан бойишига имкон беришмади.

ҒАРҒОНА. Республикаимиз фуқаролари Шаҳобиддин Тоиров, Мамарасул Уринов ва Иброҳим Омонвалар 124 минг сўмлик қўй, от, бузоқ ва қорамолни «қозикдан» ечиб олиб, пиёда божхона назорати урнатилмаган айланма йўл орқали Тожикистон ҳудудига йўл олдилар.

Бироқ «Андижон», «Риштон» ва «Работ» божхона масканлари сайёҳ йўловчиларга тусиқ, жонли туёқларга эса «қозик» бўлди.

Шоли кўрмаксиз бўлмаганидек узининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, бурчини эса унутиб қўядиган кимсалар ҳам юртимизда топилади. Масалан, Луиза Кал-

мантова, Нурмуҳаммед Шуқуровлар 120 минг сўмлик коньяк ва вино, 25 минг сўмлик акциз марказиз сигареталарини республикамизга олиб ўтаётганда узларининг жигилдонларини уйлашганди, холос. Бу маҳсулотларнинг инсон саломатлиги учун зарарли эканлиги ҳақида божхона хизматчилари танбех беришгандан кейин кўзлари мошдек очилди.

СУРХОНДАРЁ. 2-сонли «Сариосиё» божхона маскани ва миллий ҳавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорлигида Тожикистон Республикасидан кириб келган давлат белгиси 13-20 НЕИ «КАМАЗ — 5320» русумли юк автомашинаси махсус назоратдан ўтказилди. Натижанда ашиқларга жойлаштирилган 8 тонна лимон меваси орасига 50,7 килограмм «героин» 591,3 килограмм «опий», 73 килограмм «гашш» жами 715,5 килограмм гиёҳванд модда яширилгани маълум бўлди.

Бу борада ўз хизмат бурчини সিқидилган бажарганликлари учун бир гуруҳ божхона ходимлари муносиб тақдирландилар.

К. ТОШ,
М. БЕК

ЎЗЛИГИНИ ЙЎҚОТМА, ҚИЗИМ

«Мендай қизни ким келин қилади?»

Номаълум исмли қизим. Мен сенинг хатингдаги «Мен учун нажот йули борми?» — деган саволингга жавоб беришга уриниб кураман. Биринчидан, тўрт мучаси сог, ақли-хуши жойида бўлган 15 яшар қизни нажотсиз дейилмайди. Ҳаёт биз учун бир синовдир. Бу синовга биров умрининг охирида, биров умрининг ярмида, биров эса умрининг бошлангида дуч келади. Сен бу синовга ҳали умр дафтаринг қораймасдан, ҳали орзулар поймол бўлмасдан ва энг асосийси ҳали гуноҳ қилиб улгурмасингдан дуч келдинг. Демак, бу синовдан яхши утиб олишингга асос бор. Бунинг учун энг аввал порлоқ келажак сен каби покиза ёшлар қулида эканлигига шубҳа қилмаслигинг керак. Қолаверса, маҳалла-қуй, қавму қариндош, мактабинг ҳамда халқ таълими бўлимида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси аъзолари бор. Сен шу одамларга учрашинг керак. Сен уларнинг маслаҳатига қўра ҳаракат режангни тузасан. Айни вақтда онанг билан ҳам учрашишга ҳаракат қил. Мен у аёлни айблагша ҳаққим ҳам, асосим ҳам йўқ. Онанинг бошидан қандай савдолар утганлиги ҳамда қандай синовларга дош берганлиги ҳақида Сен ҳам, мен ҳам асло баҳардор эмасмиз. Рузномада чоп этилган мактубингдан сунг отанг ҳам маълум бўлиб қолса, ажаб эмас.

Балким у киши ҳам қалбида Сенга бўлган меҳру муҳаббатини 14 йил кутариб юриши осон кечмагандир. Балким Сени жуда-жуда соғингандир. Айбга буюрмаю, биз катталар ҳам баъзан ҳаёт синовида дош беролмай ҳатто ўзимизга номуносиб ҳаракатларни бажариб, ўзимизга номақбул кучаларга кириб қоламиз. Сунгра беадад афсус, надоматлар чекамиз. Балким отанг ҳам шундайлардан биридир. У сени қургач, сенга ёрдам беришга, сени қўлашга шошиллар. Энди бувинг, холагининг ичкилик ичишларига келсак, бунга сенинг алоқанг йўқ, Фарзандлар буви, бувалар учун, хола, амма, тоғалар учун, ҳатто ота-она учун ҳам жавобгар эмаслар. Бунга ўрагингни сиқма, қизим. Беайб парвардигор. Ҳаммамиз қандайдир нуқсонларга гирифтормиз. Сенинг бувинг қулида тарбия топганинга келсак, бу яхши бўлган. Шу тарбиянинг самараси улароқ бугун ҳаётга тийрак кўз билан, саволу суроқ билан қараясан. Бу — яхши. Бироқ, сен ҳозир келин бўлишни, яъни бир хона-

донга бека бўлишни эмас, балки юртингга, мамлакатингга бека бўлишни орзу қиладиган пайт. Буни учун ҳали кўп ўқишинг, илму хунарлардан баҳраманд бўлишинг керак. Бунинг учун сен қийинчилик йилларида етимлик машаққатларини тотган Гафур акани (академик — шоир Гафур Фулом) эслагин. Гафур ака:

Сен етим эмассан, тинчлан, жигарим
Етимлик нимадир бизлардан сўра,—
дея уйқусида ҳам ҳаловати бўлмаган етимларни юпатган эдилар.

Шунча қийинчиликни қурган Гафур ака академик шоир бўлди, эл хурматига сазовор бўлди. Ҳаммаси иродани тарбиялашга боғлиқ. Мамлакатимиз раҳбари янги, замонавий, жаҳон андозаларига мос лицей, коллежларни қуришни ва шундай масканларда таълим беришни режалаштирганда Сен каби келажак порлоқ, покиза, бегубор ёшлар ҳақида уйлаган эдилар. Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. Сен эзгу мақсад сари шундай интилгинки, сенинг ютуқларинг билан юртимиз янада обод бўлиб, довругинг олам-

ни тусин ҳамда отанг, онанг фахр туйғуси ила сенинг ёнинга шошилсин.

Тақдирингни бундай шаклланишида Аллоҳнинг ҳикмати аниқ айланди. Фикри оқимизча, келажакда буюк инсонлардан бири бўлсанг ажаб эмас. Шунинг учун сенинг иродангни мустаҳкамлаш, ақлнинг чархлаш учун шундай мураккаб тақдирни насиб этган. Зотан, француз донишманди Мориак: «Ҳаётимиз — яшаш давомида юзага келган қийинчиликларни енгишга кетган кучимизнинг қийматига тенг», — деган эди. Бу фикрни машҳур рус педагоги Сухомлинский давом эттириб: «Ўзингни ўзингга буйсундиришни, ўз устингдан ҳокимлик қилишни болалик чоғингдан ўрган. Сенга ёқмайдиган, аммо бажарилиши зарур бўлган ишларни қилишга ўзингни мажбурла. Ўз-ўзини мажбурлаш ироданинг бош манбаидир», — дейди. Юқоридаги фикрларни жамлаб, шуни айтмоқчиманки, келажакда буюк инсонлардан бири бўлишингга менда асло шубҳа йўқ. Айни вақтда митти юрагингдан катта муҳаббат жой олиб, юртимиздаги бахтли оилалардан бирига асос солсан, деган умидим бор. Шундай экан энг кераклиги соғ бўл, омон бўл. Ўзлигингни йўқотма, қизим.

ҲАМДАМ ТҮЙЧИЕВ,
олий тоифали ўқитувчи

УЗОҚНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТГИН

«ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БОШ КЎТАРИБ ЮРА-
МАН?»-1 СОН

И. исмли ўғлим, сен йигит кишисан, бу воқеадан бунчалик тушқунликка тушма, қайгурма, сенда айб йўқ-ку. Аммо сенинг ростўйлигинг, бардошинг, керак бўлса мардлигинг мени сенга қчин тутишга ундади. Мен сенинг аҳволингга тушунаман, аммо хижолатга ўрин йўқ. Бошингни эгма, қоматингни тик тут, маҳкам, дадил қадам ташлаб олга интил! Интилганга толе ёр!

Айтиб қўяй, ҳаёт сен уйлаганчалик текис, равон эмас. Бу жуда мураккаб жараён, ҳаммиша 5x5=25 формуласи амал қилавермайди. Балки ҳаётингда кутилмаганда тенги йўқ омад-бахт қулиб боқар, бир зумда хурматинг зиёда бўлиб бой-бадавлат бўлиб кетарсан. Шунда ўзингни йўқотиб аюханнос солиб қичқирасанми? Учинчи уйланишингда аввалгиларидан ҳам хунук воқеа бўлмайди, деб бирор киши кафолат берадими?

Аллоҳни узи асрасин. Ҳар қандай шароитда ҳам киши ўзини вазмин тутиб, келажакка ишонч руҳида бўлиши керак. Айтдиларки: Яхши кунларингда талтайма—кетидан ёмони келар, ёмон кунларингдан қайгурма—кетидан яхшиси келар...

Мана шу кунлигис воқеалардан сунг иншоолло

бир ўзингга муносиб саямимий ёр топиб, биргалликда қувончи, ибратли ҳаёт қуриб кетишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Йиллар ўтиб, вақт келиб XXI асрда сенинг ҳаёт йулингни келажак авлодларга бир намуна-урнак сифатида ҳавас билан ҳикоя қилиб беришса ҳам ажаб эмас.

Менинг назаримда бу икки қиз, уларни ҳам тушуниш керак, баъзи бир мулоҳазалар натижасида, билиб-билмай, балки андишани кучлилигидан, балки қўрқувдан ва яна бошқа объектиб ёки субъектив сабабларга биноан шундай иш тутгандирлар.

Менимча улар узлари ҳам бу қилмишларидан хижолатдадурлар. Аёллар дарду аламларини кўпинча пинҳона сир тутадилар-ку. Энг муҳими, қилиб қўйган хатоларини тан олиб, тўғри хулоса чиқариб ўз гуноҳларини келажакда намунали хулқи, ижобий меҳнатлари билан ювишлари мумкин-ку. Вақти келиб сенинг ўзинг ҳам уларни кеччириб, аёллар билан ҳам хушмуомалада бўлиб кетарсан.

Узоқни ўйлаб иш тутгин менинг соддагина, гўр ўғлим!

Отамурод РУСТАМОВ,
Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар
Хавос кўргончаси

ЎҒЛИМ, ПАРВО ҚИЛМАНГ!

«НЕГА МЕНИ ТУШУНИШМАДИ?» — 46-сон

Шу газетани ўқувчилари ичида мен энг каттаси бўлсам керак. Чунки, аллақачон ёшим 60 дан ўтиб кетган. Шунинг учун газетада босилаётган ёшларнинг ташвишли савол-суроларига жавоб беришга ҳаққим бор, деган фикрдаман. Талаба ука, ҳеч парво қилманг. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Баъзи қизлар пашадан фил ясади. Сизга насиҳатим шундай...

Авалло оила қурган йигит босикроқ бўлади. Уйланган, рўзгор қурган йигитнинг шўхлигини қизлар ёқтирмайди. Агар сиз уйланмаган бўлсангиз эди, қизлар сиздан юз ўғирмаган бўларди. Қизлар яхшиям сизга индашмабди. Агар уйланган йигит бировни қулидан ушласа, «Сиз номаҳрам-сиз, билагимдан ушламанг», дейиши ҳам

мумкин. Шунинг учун сувни сингийдиган ерга сеинг. Д. исмли қиз бошқачароқ гапирishi ҳам мумкин эди. Шу муносабат билан студент қизларга ҳам айтилган гапим бор. Улар бетга айтгани заҳри йўқ қилиб, «Ака, бундан буюн бизни қўлимизни ушламанг, сиз иззатда, биз хурматда бўлайлик. Сиз оиласиз, бундан буюн ҳазилингиз, шўхлигингиз бизга ярашмайди, сиз ака, биз сингил бўлиб юрайлик», — дея ўртани очиб қилиб қўйишлари керак эди. Сизга иккинчи маслаҳатим, ўғлим, яхши ўқсангиз яна хурматингиз улуғлиниб қолади. Аълочи ўқувчини аслида ҳамма хурмат қилади. Бошқа гапларга эътибор берманг...

Зокиржон Иброҳимов ўғли,
Андижон вилояти, Хўжаобод тумани

СЕВГИНИ БИЛМАГАН ДИЛЛАР ЙИҒЛАСИН

«ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БОШ КЎТАРИБ ЮРАМАН» — 1-сон

Хурматли дўстим И...!
Сизнинг дарду ҳасратларингизни ўқидим ва ҳозирги тушқун ҳолатингизни ҳам тушуниб турибман. Ҳали оила қуришга улгурмай биринчи алдовга, оила қуриб унинг ширин дамларини бошингиздан утказмасдан, иккинчи алдовга дуч келибсиз. Йигитлик гурурингиз топтагандек бошингиз ҳам. Сизнинг орзу умидларингизни пучга чиқарган ўша қизлар (агар шу номга лойиқ бўлсалар) бир умр виждон азобиде ўтадилар, сизни алдагани учун бир умр беномус деган тамга билан ўтадилар. Ҳозирги

қизларимизнинг ҳою-ҳавасга учиб ўзини шармисор қилиб, бир йигитнинг ширин орзуларини бир кунда чилпарчин қилсалар, уларнинг ота-оналарининг кўзи қаерда. Эл-юрт олдида қандай бош кутариб юради.

Сени ўзбек аёли демасанг буюн.
Юзингни пардаси кетди-ку учиб.
Қора шамолларнинг қўлида гирён
Ор-номусинг нега топтадинг, аёл!

Хурматли И. сиз тушқунликка тушманг. Ҳали ёруғ кунларингиз, бахтли дамла-

рингиз олдинда. Уша бевафо, бебурдларнинг олдида бошингизни эгманг. Бахтнинг кечи йўқ.

Ғам чекма пинҳона,
Йиғлама ишон,
Севгини билмаган диллар йиғласин.
Бу тақдир синови бахтингдан нишон,
Юрақлари миз қотган ёвлар йиғласин.
Сен ҳали йўқ ердан топасан бахтни,
Сени овуғувчи баҳоринг кутар.

Феруза Мухамматова,
Самарқанд вилояти
Пайариқ тумани

Ўзбекистон радиоси «Инсон ва қонун» эшитириши муҳаррири, азият акажонимиз

Зокиржон Шариповни Қўзғов!



Сизни таваллуд кунингиз билан қутлаймиз. Бахту саодат ҳамроҳингиз бўлинг!

Укаларингиз — Жасурбек, Шокиржон

Ғалолқарим Хасанжон ва Хусанжон!

Сизларни 14 ёшга тулган кунингиз муборак бўлсин. Бахтимга соғ-омон, яхши инсонлар бўлиб улгайинг. Илоҳим роҳатингизни кўрай, болажонларим!

Онангиз — Саматова Ҳанифа

Хурматли акажонимиз Қурдоҳсон Зокирова!

Сизни 15 февраль — таваллуд кунингиз — 70 ёшингиз билан табриқлаймиз. Аллоҳдан сизга узоқ-умр ва мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Кўзингиз нам, кўнглингиз гам қурмасин.

Эҳтиром ила фарзандларингиз

Отинжонимиз Кароматжон Ибрагимова!

Сизни таваллуд кунингиз билан қутлайман. Бахтимизга соғ бўлинг.

Қизингиз Исаева Хуршида

Ситиллим РАБИЮ!

Сени таваллуд айёминг билан табриқлаймиз. Оилам, фарзандларинг бахтимга соғ-омон бўлсин.

Оила аъзоларинг номидан — опанг Озода

Хурматли акажоним Абдулат ИБРАГИМОВ!



Сизни таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз! Бахтимизга узоқ умр кўриб, соғу саломат юринг. Фарзандларингиз номидан — қизингиз Нигора

Она, сўзларингиз мунча оташли, Нурлар қучоғида яшар кўзингиз. Яхшилар қўл эрур дунёда бирок, Ҳаммасидан улуг факат ўзингиз.

Хурматли Азизқариева Шарифа!

Табарруқ 63 ёшингиз муборак бўлсин. Бахтимизга узоқ-умр кўриб, доимо соғ-саломат юринг.

Хусниддин, фарзандларингиз ва набираларингиз

Хурматли умр ақдошим Содиқжон МАМАДАМИЕВ!

Сизни 11 февраль тулган кунингиз — 61 ёшингиз билан чин юракдан табриқлаймиз. Бахтимизга соғ-омон бўлиб, узоқ-умр кўриб юринг.

Рафиқангиз — Насибохон, фарзандларингиз

АЁЛЛАР ЙИЛИДА ОНАМГА ТИЛАГИМ

Онажон юзларингга термулламан. Термулламану, оғир йиллардан нишона бўлган чизиклар мени хаёл дарёси томон етаклаб кетади. Ҳали дард не, азоб нелигини англамаган жажжи болалик йилларим куз олдимда гавдаланади. Онажон, юзингиздаги ҳар бир уз узоқ ўтмиш ҳақида, гул-гул яшнамаган ёшлигинг, мусаффо кенглик қонолмаган вужудинг ҳақида маҳзун-маҳзун эртақлар айтади. Мен у пайтларда мунг нималигини сезмасдим. Эрта киш қўнлар я мен учун ҳақиқий байрамга айланарди. Киш туй файли борлиқ бир хил оппоқ қорға қопланарди. Биринчи қор... Ҳамма жойларни чанг-ғуборлардан тозаларди, аммо сенинг кўзларингиздаги гам-армон сояси кетмади.

Менинг энг сеvimли фаслим куз эди, аммо энди энди энг ёмон қурган фаслим куз. Айни куз чоғи сен суняган умр йўлдошингдан, биз меҳрибон отамиздан жудо бўлдиқ. Сен қон-қон йиғладиңг, сенга биз қўшилдиқ, ёру дуст, тоғу тошлар қўшилиб йиғлади. Аммо отам, отажоним қайтиб келмади. Мана, отам қабрини икки бора қор қоплади. Биз шўх, уйинқароқ қизлар, болалар эмасмизми? Дарс, мусобақа, китоб билан овундик, лекин сенинг кузларингизда, ушанда муҳрланган дард ҳамон турибди. Сенинг кўзларингизга ҳеч ким тик боқолмади. Энди дадам қурмаган бахтли кўнларни, сен қур, она-онажон! Ешлиқда қилган шўхликлару, бемазалиқларни кечир. Сенинг олдинда бир умр қарздоримиз. Она, сен ҳақингда бир мен эмас, балки одил, мард юртбошимиз Ислом Каримов ҳам қайғурдилар. Раҳмат Сизга! Оналар-сизларга яна бир хурсандчилик, бахт!

Бу йил «Аёллар» йили — «Оналар» йили демақдир. Бу байрамларингиз билан жаъмики оналарни муборакбод этаман. Оналар, аёллар эркинлик қўлларингизда, уйнанглалар-қўлларингизда. Она-сен ҳам унут, уша бахтсиз кўнни. Сен ҳам ҳамма қатори қувнаб-қул.

Ана шу улуг йилда ва яна узоқ-йиллар сен-биз фарзандларингиз камолини, бахту саодатини қўриб, оналик ҳузур-халоватини туйиб юринингизни жуذا-жуذا истайман.

Уралова Асалои, Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Ҳамид Олимжон номли 55-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси

«Матбуот тарқатиш уюшмаси» Акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий мажлиси 15.02.99 йил эрталаб соат 10.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

- 1998 йил иқтисодий-хужалиқ фаолияти яқунлари.
- «МТУ» Акциядорлик жамияти Низомига узгартиришлар киритиши.
- 1998 йил иккинчи ярим йилига дивидендлар тўлаш.
- Қузатувчи кенгаш таркибига янги аъзолар киритиши.
- Низом Фондини ошириш ва иккинчи эмиссия акцияларини чиқариши.
- Умумий мажлисни утказиш жойи.

Юнусобод тумани, А. Темур — 1-тор кўча, 2-уй, мажлислар залида.

Тел: 133-70-70.

Акциядорларни рўйхатга олиш 15.02.99 йил 9.00 да бошланади.

КУЗАТУВЧИ КЕНГАШ

ЭЪЛОН

Шайхонтоҳур туманида 5 сотиқли, 5 хонали планли ҳовли СОТИЛАДИ ёки АЛМАШТИРИЛАДИ: тел: 55-97-23.

ОЙИЖОНИМ МАДАД БЕРДИЛАР

Ҳаёт жуذا мураккаб ҳамда турли сир-синоатларга бой экан.

Лекин инсон доимо яхшиликка интилиб яшати керак экан, ушанда уйлаган орау-ниятларига етаркан.

Бундан бир неча йил олдин тақдир эканини, турмуш урғоғи билан ажрашиб, 4 нафар фарзанд билан ёлғиз қолдим. Фарзандларим улгайиб, катта қизим Нарғизани узагадиган бўлдиқ. Ўзбек оилаларида қиз узатиш анча қийинроқ. Туй ҳаракатлари билан анчагина чарчадим, ҳали у керак, ҳали бу... Оналар доим менга «Куйма, болам, қиз эшикдан чиқиб кетаётганда ҳам, камчилиги бўлади. Худодан тахт эмас, бахт сўрагин бола-

ннга», — деб мени тинчлантирардилар.

Менинг орауим эса фарзандимни ўқитмай, ёлғизлигимни билдирмай узатиш эди. Кечалари Аллоҳдан «кам-катагимни узинг етказгин, ишонганим факат узингсан», — деб ёлворардим.

Эртага туй деган кун ҳаммаёқни яратиш нарсаларини жойлаб хонтахта четиди озгина ушлаб қолибман. Тўшумда ойижоним (онамнинг ойилари) меҳмонга келибдилар. Менга бир пиёла чой ҳамда қозоғга урғолиқ данак мағизларини бериб қўлиб турибдилар. Мен уларни ола туриб, никоҳга кетиш учун ювиниб чиқай деб ҳаммомга кириб кетибман. Бошимни ювиб туриб қарасам, ойимлар менга сув қўйиб ту-

рибдилар. Ойимлар менга қараб:

«Булақол, болам, яхшилаб юв, ҳали қиладиган ишинг кўп», — дебдилар. Шу пайт онамлар мени уйғотиб юбордилар.

Туй бошланди. ЗАГС, кетидан ош бўлди. Тумонат одам, хонандалар ашулалар айтиб тўйхонага янада ҳам файз қўшилиди.

Меҳмонлар кела бошлашди, сингилларим, қўвларим, қариндош-уруғларимиз бирин-кетин келиб: «Кўв муборак бўлсин, бахтли бўлишин», дея тўвналар бера бошлашди.

Меҳмонлар ичиндан олдинги ишхонамдаги ҳамкасбларимдан бири чиқиб: «Нигора, мана бунга қўл қўйинг, ойлик маошингиз, утган ойнинг муқофот

пули ҳамда ишхонадагиларнинг тўвниси», — деб бир даста қозоғга урғолиқ пулни берди.

Туй мен орзу қилгандан ҳам аёло ўтди. Никоҳ кенаси келин ва кўвнинг оналарини табриқлаганда, бутун тортган азобларим, уйқусиз ўтказган кечаларим, байбарини унутдим. Фарзандларимга фақат бахт тиладим.

Шунда яна бир бор ишондим-ки, утганларнинг руҳлари доимо биз билан бирга экан. Утганларнинг, шу қатори Салима ойижо, нимнинг ҳам руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин.

Нигора, Тошкент

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» УЎТИНОМАСИ

Миннатсиз яхшилик — гаваҳар,
Миннатли яхшилик — захар.

Сен улимдан чўчимаси,
Тўхтаётган гумонлардан қурқ.
Иртқичлардан қурқмоқдан қура,
Гумроҳ банд — нодонлардан қурқ.

Жаҳонгир Фозил

• Сўраган эдингиз

ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Савол: «Оила йили»да турган болаларга бериладиган 2 ёшга нафақа пулининг миқдори қанча ва у ҳар доимгидек бериладими?

Н. Халилова, Зарафишон шаҳри

Жавоб: 2 ёшгача боласи бўлган аёлларга боласини парвариш қилиш учун таътилда бўлган даврида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 150 фоизи миқдориди нафақа туланади.

Савол: Турмушга чиққанымга 4 йил бўлаяпти. Бироқ оилани узвий боғловчи фарзандга зорман. Турмуш урто-

гим билан даво истаб қилмаган бўлганда, аммо фойдаси бўлмади. Айтингни, қаерга мурожаат қилсак мушкулумиз ҳал бўлади?

С. Хуррамова, Сирдарё вилояти

Жавоб: Бу каби саволлар билан мурожаат қилганлар талайгина. Бефарзандликдан азият чекканлар Тошкент вилоятидаги Қиррай шаҳарчасида жойлашган «8-Март» сихаттоҳига мурожаат қилсалар, у ерда малакали шифокор мутахассислар дардингизга даво топади.

А. МУЗАФФАРХОНОВ хуқуқшунос

«Оила ва жамият» хабарномаси

УНИНГ ДАРДЛАРИГА МАЛҲАМ БЎЛДИНГИЗ

Қадрли юртдошлар!

Газетамизнинг утган йилги 45-сониди Лобар исмли қизингизнинг «Юрагим дардига малҳам излайман» сарлавҳали мактуби эълон қилинганди.

Ҳаётда қоқилганини узи ҳам билмай қолган қиз сизлардан маслаҳат сўраган, мадад кутганди. Едингизда бўлса, у уз хатида яна ҳомилалар эканлигини ҳам баён қилганди.

Ана шу катта ҳаётий синов қаршисида турган қизингиздан сиз уз доно маслаҳатларингизни аямдингиз, сеҳрли-синоатли сўзингиз билан уни сабуру қаноатга, сабот-бардошга, кучли бўлишга чорларингиз, дардларига малҳам бўлдингиз. Утган ҳафта шу қизингизнинг эсон-омон кўзи ериди — ўғил қурди... Биз тахририят ҳодимлари уни қургани бордик. Шифокорлар она ҳам, унинг фарзанди ҳам соғ-омон эканлигини айтишди.

Лобар бугун она бўлди... Бир синовдан ўтди. Лекин ҳаётнинг ҳар бир кўни бизни имтиҳон қилади. Лобар ва унинг ўғлонига бу йилда омад, бахт ёр бўлишини тилаб қолаемиз...

ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

СОҒЛИҚ ХУСУСИДА

Барвақт туриб, тонгги соф ҳаводан туйиб-туйиб нафас олиш ҳам киши саломатлигини мустаҳкамлайди.

Ҳар бир инсон ёшлиғида қариллини ўйлаб эҳтиёт чораларини қўриб бориши мумкин, аммо қарилар ёшлиқ ҳақида ҳаёдан бўлак нарсага эриша олмайдилар.

Бўлар-бўлмасга жаҳли чиқаверадиган инсонлар, уз юраги билан уйнашаётгани кейин, кеч бўлгандан сунг билади.

Соғ пайтида югурмаганлар, хаста бўлган, югуришга мажбур бўлиб қоладилар.

Узини даволай олган инсон, гарчанд табиб бўлмасам ҳам, бошқаларни даволай олади.

Саидмурод Саидахмад

ЭҶИМА

Шакарғуфтор ўзинг дилга
сўзинг тигин камон этма,
Дили бу ўзгада бор деб,
бегим мендан гумон этма.

Ўзингсан мен учун сарвар,
дили хуш, ҳам камоли хуш,
Мени бирён этиб ўктам,
ўзинг бир томон этма.

Қаро кўзим юрагимга
шифонинг чашмаси бўлди,
Табибимсан, нигоҳ
ёғдусидан менга «зиён» этма.

Бу олам бор, ки ният бор,
ки бор севги, севинч, ташвиш,
Севинчни танлагил дилкаш,
ўкинчи меҳмон этма.

Билурмен нек ниятларга дили
поқдин «ёмонлар» кўп,
Сун-ей нек Шарбатин, ёт оғудан
сен дилни қон этма.

**СЕН ЎЗИНГсан,
СЕН ЎЗИНГ**

Бошда офтобим ягона,
қалбада сенсан офтоб,
Йўлларимда файзиёб моҳ
сен ўзингсан, сен ўзинг.

Севгинг ишғол айлади бу
кўнгил бўстони,



Гул узиб этдинг гуноҳ сен ўзингсан, сен ўзинг.

Кўзларимдан кетмиш уйку,
дилда ўтти эҳтирос,
Ишқу оташга гувоҳ сен
ўзингсан, сен ўзинг.

Айрилиқ тиг ўрди дилга,
менга хижрон беҳисоб,
Қазиган ҳам ҳажрга, чоҳ
ўзингсан, сен ўзинг.

Севса ўзга мени ногоҳ, мен
куюрман сен учун,
Жойладинг-ку, қалбга ох, сен
ўзингсан, сен ўзинг.

Соғинибман, соғинибман,
Шарбатинг кўксига ўт,

Ғазал бўстониди

Мулки дилга битта шоҳ сен
ўзингсан, сен ўзинг.

ДИДАСИ

ҒАРМОН БИЛАН

Севгининг боғига кирдим,
дилдаги фармон билан,
Сен хаёлим боғладинг, меҳр
билан, имкон билан,
Қадди шамшод, чеҳраси ол,
ўктамим сенсан ўзинг,
Шодумон этдинг йигит, лутф
билан хандон билан.
Лайли янглиг йиғламоқни
айламасман ўзга касб,
Чунки сен соҳиби даврон,
завқ сурай даврон билан.
Не сабаб маъсума дамлар
ўрнини босди алам,
Эзгу истаклар бу дилда
қолдику армон билан.
Оқшомлари ўртанурман,
мен умидлар шавқида,
Ташладинг кетдинг нетай,
бир умр хижрон билан.
Мен муҳаббат Шарбатидин
қонмаган интиқ юрак,
Ул вафо бўстонида қолгум
мудом паймон билан.
Шарбат МУХТОРОВА

ДИЛ ИЗҶОРИ

**УНДАН БУ ГАПНИ
КУТМАГАНДИМ**

Мен ҳаётимда бўлиб ўтаётган
воқеани сизларга ёзмаман бул-
майдиган аҳволдаман. Ёшим 22
да. Мен ва дугонам бир шифохо-
нада ҳамшира бўлиб ишлаймиз.
Дугонам билан жуда ҳам аҳил
эдик, шу боис у турмушга чиққа-
ндан кейин ҳам бир-биримизни-
кига меҳмонга борардик. Унинг
турмуш уртоғи Азиз ака билан ҳам
муносабатларимиз самимий эди.
Азиз ака қассобчилик қиларди.

Бир куни автобус бекатида тур-
сам, мендан сал нарироқда эн-
гил машина келиб тўхтади. Бу
Азиз аканинг машинаси эди. Мен
машинасига чиқдим, у кафе олди-
да тўхтади. Менда муҳим гапи
борлигини айтди. Биз кафед
утирганимизда, у менга бефарқ
эмаслигини айтди. Агар розилик
берсам, учрашиб туришимизни
тақлиф қилди. Мен ҳам уни анча-
дан бери ёқтириб юрардим ва ро-
зилик берганимни ўзим ҳам бил-
май қолдим.

Кун сайин учрашувимиз жиддий
тус ола бошлади. Мен усиз, у эса
менсиз яшашни тасаввур қила ол-
масдик. Бизнинг муносабатимизни
иккимиздан бошқа ҳеч ким бил-
масди.

Бир куни ишдан келсам, ойим,
дугонам ва унинг қайнонаси мен-
га совчи бўлиб келишганини
(қайнисига) агар рози бўлсам, тез
кунларда тўй қилиш ниятлари бор-
лигини айтди. Мен розилик бе-
ришни ҳам, бермаслигини ҳам бил-
май қолдим. Кейин Азиз акам би-
лан маслаҳатлашдим, у менга ро-
зилик беришимни, шу йул билан
муносабатларимиз давом эттишини
айтди. Мен Азиз акамдан бу га-
пни кутмаган эдим. Мен ака-ука
ораларида қуғирчоқ булишни хоҳ-
ламайман.

Лекин мен Азиз акамсиз ҳам
ҳаётимни тасаввур қила олмайман.
Икки ўт орасида қолдим, маслаҳат-
тингизни кутиб қоламан.

К.

«КЕП ҚОЛИНГ, КЕЛИНГА»

Эркин бозор шароитида турли савдо-
саноат кургазмалари, ярмаркалар уткази-
лиши одатий ҳол ҳисобланади. Лекин сиз
келинлар кургазмаси ҳақида эшитмаган
бўлсангиз керак. Ваҳоланки, Африка ғар-
бидаги Марокаш давлатининг тоғли, сў-
лим Имилжил қишлоғида ҳар йили кеч
кузда, ҳосил йиғиб-тариб олингандан сў-
нг ана шундай кургазма утказилади. Мам-
лакатнинг турли бурчакларидан келган йи-
гит ва қизлар бу ерда узларига муносиб
жуфти-ҳалол излайдилар. Уз тенгини топ-
ган йигит йигирма дирҳам пул тўлаб ни-
коҳ қозони олади. Шу ерда никоҳдан ўт-
ган барча йигит ва қизлар иштирокида
катта тантана ва базм утказилади. Шун-
дан кейин ёш оилалар уз қишлоқларига
йул олишади.

**СИГАРА ЧЕКДИМИ,
ДЕМАК РОЗИ**

Ханда

Оила қуриш сари қуйиладиган даст-
лабки қадамлардан бири унашиш маро-
симидир. Дунёдаги деярли барча халқ-
ларда бу маросим мавжуд. Лекин айрим
халқларда, хусусан, бизнинг узбекларда
бу маросим анча мураккаб ва бир қадр
серчиқим бўлса, янги Гвинея оролида
яшовчи айрим қабилаларда бу масала
битта сизга чекилгунча ҳал этилади.
Қандай қилиб, дейсизми? Уйланмоқчи
бўлган йигит сочининг толасини тамаки
баргига ўраб сизга тайёрлайди ва узи
ёқтирган қизнинг уйига боради. Сизга
ни ярмигача чекиб, қизнинг онасига уза-
тади, у эса ўз навбатида қизига беради.
Агар қиз сизгани чекса, икки ёш унаш-
тирилган ҳисобланади ва бемалол тўй та-
раддудини қуравериш мумкин.

Д. ЯШМООН

**ЎЙЛАНГ, ИЗЛАНГ,
ТОПИНГ!**

Бир хона бор. Бу
хона тилсимли. Агар
ким унга хафа ҳолда
кирса, хурсанд бўлиб
чиқади. Агар хурсанд
ҳолда кирса, хафа бў-
либ чиқади. Бу хонада
қандай сеҳр-синоат
яширинган?
Жавобингизни кута-
миз.

Шерзод

АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ

ХОНАДОНИМИЗНИНГ СОДИҚ ДЎСТИ

Уғлим қариндошларимизникидан утган
йили яшиққа қамаб кичикроқ бир ит олиб
келган эди. Бу жонивор буйнига ҳеч зан-
жир солилмаган экан. Яшиқдан чиқариши
билан ушлатмай қўйди. Кучуки номи Ша-
рик бўлиб, ғунажинни қаерга боғласак, куч-
чук уни пойлаб атрофида айланиб узоққа
кетмасди. Агар ёт биров яқинлашса ҳуркиб,
вовиллаб яқинига йўлатмасди. Узимизга эса
индамасди.


Ёш кунлари эди. Узум тағидида унча ба-
ланд бўлмаган сўрида нонушта қилиб ути-
рар эдик, ажойиб воқеа юз берди.

Биздан уттиз қадамча нарида бостирма
тағида ғунажин боғлоглиқ эди. Шарик —
кучук жон-жаҳди билан вовиллаб бизни
олдимизга югуриб келди ва яна вовиллаб,
ғунажин олдида чоғди. Бирпасда уч-тўрт
марта бу ҳаракатни такрорлади. Биз дар-

ҳол ғунажиндан хабар олгани югурдик. Ар-
қон узунроқ боғланиши боис оёғиго, шохи-
га илиниб, тортилиб, ҳайвон йиқилиб, жон
талвасасига тушиб, ҳаром ўлиб қолишига бир
бахия қолган экан. Дарҳол бушатиб юбордик.
Уни сақлаб қолдик. Агар Шарик фидойи бўл-
маганда ғунажин ҳаром ўлиши аниқ эди.
Биз кучукини бу огоҳлантиришига ҳаммамиз
қойил қолдик. Уша ғунажин ҳозир сизгир бўл-
ди. Кучугимиз ҳамон уни пойлаб атрофида
айланиб юради. Бу жонивор уйга яқинлаш-
май доимо ҳайвонлар атрофида юради, то-
вуқларга тегмайди. Одамларни тишламайди.
Озгина шарпани дарров сезади. Хуллас, хо-
надонимизга содиқ дўст.

Зокиржон Иброҳим ўғли,
Андижон вилояти, Хўжабод тумани

БОШҚОТИРМА



Крассвордни соат йўналишида ечинг. Сузлар ёй (стрелка) тур-
ган хонадан бошланади.

1. Зийрак сузининг арабчаси.
2. Сувисзлиқка чидайдиган усимлик.
3. Йўқолиб боравтган ҳайвоннинг номи.
4. Меросхўр сузининг синонимиди.
5. Қиролча сузининг синонимиди.
6. Ўзбекистон Республикасидаги туман.
7. Жамиятнинг бошланиши.
8. Давлат рамининг қадимги номи.
9. Қўлнинг номи.
10. Кам учрайдиган аёл кишининг исми.
11. Салқин ичимлик.
12. Дарслик китоб номи.

Агар ҳар бир сузининг бош ҳарфини олиб ўйлаб жойлаштирилса, сеvimли газетамизнинг номи келиб чиқади.
Тузувчи: Ш. ХОЛИҚОВ

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

**Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти**

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0115
28118 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ,
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нарҳда.
Навбатчи К. ТОШМИРЗАЕВ.

Мақолада келтирилган факт-
лар, воқеалар, маълумотлар
учун муаллиф жавобгар
ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят
нуктаи назаридан фарқ қили-
ши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилин-
майди ва муаллифларга қай-
тарилмайди.